


Ботир Камол



ОТА МЕХРИ

БОТИР КАМОЛ

ОТА МЕҲРИ

РОМАН

(реал воқеликка асосланган)

«Kafolat print company»
Тошкент – 2019

УУК: 821.512.133

КБК: 84(5Ў)6

Б - 49

Ботир, Камол

Ота меҳри: [Матн]: / Б.Камол. - Тошкент: «Kafolat print company», 2019. - 308 бет.

Қадри баланд, азми улуғ инсон. Бахт билан қўл ушлашиб, тинчлик, соғлик, бойлик, қувонч, садоқат, муҳаббат ва давлат келиб уйингизга меҳмон эмас, бир умрлик мезбон бўлиб қолсин. Меҳр бериб, миллатимизнинг саховатли, саҳий инсони қилиб сизни вояга етказган табаррук ота-онангизга таҳсинлар бўлсин. Ҳаётлари оқил фарзандлари томонидан ҳаминша зийнатланиб, гўзал ижобат топишини ва шу олий тилаклар ҳаминша ҳаётингиз пок рамзи бўлишини тилаб қоламан!

Ҳазрати инсон номини улуғлаб, калб туйғуларини меҳр, меҳр, меҳр дея башорат қилаётган «Ота меҳри» романида берилган ғоя ва иддаолар ўз ижобатини топиб, сизни мукаддас, улуғвор мақсадлари сари етаклашига ишонамиз!

ISBN 978-9943-381-86-5

© «Kafolat print company» нашриёти, 2019.

© Ботир Камол, 2019.

ОТА МЕҲРИ ҚАЛБ АМРИНИНГ БУЮК АЗМИДАН БИР НИШОНАДИР!

Сўнги кунларда уч муаллифнинг уч китобини ўқиб, яширмайман, хурсанд бўлдим.

1. Катта ёзувчи Абдуқаҳор Иброҳимовнинг “Уйқу келмас кечалар” романи.

2. Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаевнинг “Қаллахоналик йигит” романи.

3. Истедодли ёзувчи Ботир Камолнинг “Ота меҳри” романи.

Бу романларнинг хислати шундаки, шахсан шахснинг шаклланишида маҳалла-қуйдаги, узоқ-яқиндаги қариндошлар, барча дўстларнинг фазилаги, хислати, дунё-қарашлари ҳал қилинганлиги ҳақида гувоҳ бўласиз. Айниқса, шахснинг шаклланишида онанинг буюк хизматларини инкор қилмаган ҳолда Ота ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкинлиги таъкидланган, чиройли лавҳалар орқали китоб шакллана боради.

Худди шу маънода Ботир Камолнинг “Ота меҳри” романи алоҳида таъкидлашга арзийдиган асар бўлди. Сўнги йилларда кўпчилик оилаларда она тарбияси, биринчи ўринга чиқиб, ота тарбияси, яъни эркакча тарбия сусайиб қолганлиги Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қайта-қайта таъкидлаб ўтилди. Оталарнинг қаттиққўллиги, кучли иродаси, куч-қувватга эга эканлиги аста-секин эсан чика бошлаган эди. Ота ўтирган уйнинг томига чикма, отанг дуосини олмай йўлга чикма, отангдан олдин дастурхонга қўл узатма, ота рози Худо рози сингари ўғитларни, тарбияда отанинг ўрни муҳим эканлигини, муҳим роль ўйнаши кераклиги масаласини муаллиф кўтариб чикқан, асар яратган.

Асарда онаси Бахшандага алоҳида лавҳалар ажратиб, гап навбати Камол акага келганда, ундаги бағрикенглик, ростгўйлик, қатъийлик, раҳимдиллик ва хулқдаги гўзал хислатлар алоҳида таъкидланади. Отадаги бу фазилатлар

унинг ёнида бўлган, ҳамиша ҳамнафас бўлган Ғулом, Ботир, Бафо чаток, Райим сингарилардаги эркакча фазилатлар алоҳида таъкидланади. Ўзбек болалар адабиётида ота меҳри, ота тарбияси ҳақида деярли китоб ёзилмаяпти. Демак хурматли Президентимиз айтганларидек, сусайиб бораяпти. Эркакча тарбия сусайиб қолган. Муаллиф Ботир Камолнинг “Ота меҳри” асари, менинг назаримда, ўз вақтида чиройли қилиб яратилган асарлардан бири деб ҳисоблайман!

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Ўзбекистон давлат мукофоти лауриати.*

МЕҲР – ЭЗГУЛИК, ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК КАБУТАРИ

Тиниб-тинчимас ижодкор Ботир Камолнинг “Ота меҳри” романи ҳамда шу номдаги драмаси матни билан танишиб, ўқиб чиқдим. Иккала асардаги воқеалар, уларда кўтарилган муаммолар ҳаётий, аниқроғи, автобиографик бўлгани учун ҳам ниҳоятда қизиқарли, ишонарли, жонли, қисқа, равон тилда баён қилинган.

Энг муҳуми, асардаги ҳар бир воқеа, ҳодиса бирин-кетин, узлуксиз давом этиб, бир-бирини тўлдиради. Асардаги воқеа-ҳодисаларда ўзбекона ҳазил-ҳузил, киноя, кесатик, кескирлик, тўғрилик, адолат, меҳр-муҳаббат, мустаҳкам иймон-этиқодли, меҳр-оқибатли, бўлишга оид гап-сўзлар, ҳадислардан намуналар ўз ўрнида қисқа, лўнда, ўзбекона (бухороча) шеваларда келтирилгани асарнинг кадр-қиммати, тарбиявий аҳамиятини янада оширади. Муаллифга ижодий муваффақиятлар ва баркамоллик тилаб қоламан.

Искандар РАҲМОН,
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
«Турон» Фанлар академияси академиги.*

БОТИР КАМОЛНИНГ ЁДНОМАСИ ҲАҚИДА

Инсон дунёда яшар экан, бир умр бахтли яшайман, деб ўйлайди. Аммо бир кунмас–бир кун орзулари дарз кетиб, уммон тубига ғарқ бўлишини сезмайди. Лекин у ҳамон яшаш учун курашда давом этади. Пешонасида битилган тақдир битигини, охиратини ўйлайди.

Қиёмат қойим бўлган давр – 37-йилларда Камолжоннинг чеккан заҳмаги-ю яқин дўсти Зунуновнинг хиёнати...

Дўстининг муваффақиятларидан эсанкираб қолган Зунунов ҳасад домига тушади. Дўстига ноҳақ тухмату бўҳтонлар уюштиради, не кунларни бошига солмайди, дейсиз. Унинг бахтига зомин бўлади.

Камолжон халқим, Ватаним дея ўша даврнинг шафқатсизлиги-ю ноҳақликларига чидаб, мард бўлиб, ёш умрини хазон қилган иблис қиёфасидаги махлуқ аслида дўсти эканлигини билса-да, уни кечиради. “Тош отганга ош от” қабилида иш тутиб, унга яхшилик қилади. Занг босган қалбига пок инсоний фазилатларини сингдириб, уни инсон бўлишга чақиради.

Асарда, шунингдек, эзгулик, пок қалб билан суғорилган ҳаёт сарчашмасида Камолжоннинг умр йўлдоши – Бахшандага бўлган соф севги садоқати, улар ўртасидаги муҳаббат гўзал ифодаларда нафосат ила намоён бўлади.

Ҳаётнинг аччиқ зарбалари севгилиси Бахшандани чўчитмайди, аксинча ёрини қутқариш мақсадида ҳеч қандай бало-қазолардан кўркмай курашади.

Оқланиб чиққан Камолжон уруш йилларида уч норасида етим болани хазон қилмай, асраб олиб, мурғак қалбда яшашга умид, ҳаёт завқини уйғотади. Оталик меҳрини беради, оилали, уй-жойли қилади.

Камол аканинг ўғли Ботир оғир хаста. У дард чангалида ўлим билан юзма-юз тўкнашиб, адойи тамом

бўлаяпти. Отаси кўз ёшларини дув-дув оқизиб, Оллоҳдан «Ўғлим ҳали ёш, мен қариянинг жонини ол», – дея фарёд чекади.

Ботир ўшанда ҳаётда ота бўлиш нақадар оғирлигини тушуна бошлайди. Бечора дадасининг жони унга қараганда юз карра ортиқ азобланганини фаҳмлайди. Падари бузрукворининг меҳр қудрати, қалб тугёнини кўриб, унинг бутун вужуди титраб кетади.

Отадан ўғилларига мерос қолган меҳр қуёши ва унинг сарчашмасида ночорга мадад, етимлар бошини силаб, олий инсоний фазилатларни намоён этиши ўқувчини хайратга солиб, уни бефарқ қолдирмай, манан инсон бўлишга чақиради. Ҳазрати Инсон номини улуғлаш қанчалар хайрлидир!

Романда шунингдек, оила кўрғонида севишган қалбларнинг биринчи муҳаббат тарихи ҳамда баҳс-мунозаралари, улар ўртасидаги саргузаштга бой, қизиқарли турфа хангомалар сизларни ҳаётни севишга, пок садоқат ила севиб-севилишга ундайди.

Хайрли мозийга назар солиб, бугунги фаровон ҳаётимиз гулшанида сиз азизларга, миллатимиз келажаги бўлган навқирон ёшларимизга мустақиллигимизнинг қадрига етиш учун ҳаёт қувончини, унинг гўзал ва пок рамзий тилсимини меҳрли, соф қалбингизда оз бўлсада маънавий озуқа қилиб, сингдирсак, ниятимиз камоли, олий бахт ва Яратганнинг бизга берган улуғ неъматидеб билади муаллиф. Бу иймондандир.

Мен Ботир Камолнинг “Ота меҳри” романини синчковлик билан ўқиб, муаллифнинг теран, сермазмун туйғуларига шерик бўлишингизга тилақдошман.

Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ,
«Турон» Фанлар академияси академиги.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

*Отам Камол Хайруллаев,
онам Бахшанда Афзал қизи
хотираларига бағишлайман.*

*Тананг ҳам кетажак, бору йўгинг ҳам,
Бахтлидир яхши ном қолдирган одам.
Хисрав Деҳлавий.*

Айрим одамлар олтин калитга ўхшайдилар...

Ўзларининг ширин сўзликлари, ажойиб
маслаҳатлари ва олийжаноб хулқлари ила ҳар қалб-
нинг кулфи-дилини очиб, яйратиб юборадилар!

Ҳаммага раҳмат, қайсиким бизларга халақит
берса, била туриб йўлимизга ғов бўлса! Мақсади-
мизни поймол этса! Атайин бизни хафа қилиб, ўзи
қувониб юрса! О, бу одамлар, дил оғритиб, тақдири-
мизда қанчалар ўрин тутганлигини тушунишса эди!
Водариф. Йўқотишни билмаган юрак, хафа бўлиш-
ни билмаган юрак, бахт берганида қайси мезон би-
лан ўлчайди ҳаётни? Нима билан таққослаш мум-
кин, берилган қувончни? “Меҳрибон”, дарғазаб
“дўст”ларимизсиз, қандай қилиб ахир, донишманд
бўламиз, боз устига улар маслаҳатсиз... Булар-
нинг “саъи-ҳаракатларидан” минглаб янги фикрлар
туғилса, не ажаб. Қалбда меҳр чашмаси балқиб, тан-
тана қилади! Ҳаёт яшнайти-я! Юз, балки минглаб
марта мен, яна қайтараман: борингизга шукур, ҳам-
масига раҳмат! Сизлар бўлмаганингизда... Бизлар
нима қилардик-а!

* * *

Ботир дарвозани ланг очиб, ҳовлига кириб келди.

Кўлида дипломат ва ўқув куроллари. Унинг кайфияти аъло эди.

– Ким бор, ойижон, дада, Дилрабо.

Хоналардан бирининг эшиги очилиб, онаси Бахшанда ая қаради.

– Бунча ҳаялладинг. Ота-онам хавотир олишади ҳам демайсан-а.

У ўғлини кайфиятсиз, тажанг бўлиб кутиб олди.

Ботир онасидаги тушкунлик, қандайдир кўрқув ҳолатини кўриб, олдинига ҳайрон бўлиб, сўнгра унсиз ўқиниб деди:

– Қойиманг ойи, нима бўлди, нега бунча безовтасиз?

Бахшанда ая ковоғини ўйиб, жеркиб берди:

– Ҳа, дард бўлди, бало бўлди. Бу ерда шалпайиб турма, бор даданг билан учрашгин, у меҳмонхонада, сенда муҳим гапи бор.

Ботир бу вазоҳат танаю дашномлардан ўзига кела олмай ҳамияти озор чекди. У ўзини айбсиз айбдордай ҳис қилиб, хўрлангандай кесатиб деди:

– Ойи, мени қийнамангда, тўғриси айтинг. Дилингизни оғритиб қўйган бўлсам айбдорман. Гуноҳим нима? Мабодо ўша мен бўлмаган тақдирда ҳам у одам ким, айтинг, ким у ахир?

Бахшанда ая ўғлига бўлган муносабатда қилган хатти-ҳаракатидан ташвишга тушиб, уни

тинчлантиришга уринди. У ҳовуридан тушиб синиқ оҳангда муомала қилиб, деди:

– Куюнма, тинчлан, Ботир. Ҳеч ким мени хафа қилмади. Меҳмон келди. Хурсандчилик, болам.

Ботир онасининг бунчалик тез ўзгариб қолиши ва ҳолатидаги кескин бурилишларига тушуна олмай, нималар бўляпти ўзи деганча саросимага тушиб:

– Ҳўп, ҳозир гаплашаман дадам билан, – дея шошганча меҳмонхона томон йўл олди.

* * *

Меҳмонхона, ноз-неъматлар билан тўлган дастурхон атрофида Камол ака меҳмонга ширинсуханлик билан илтифот кўрсатиб, гурунглашиб ўтирган эди.

– Тошкенту азимдай улуғ даргоҳдан келибсиз, хуш келдингиз меҳмон. Қарийб ярим аср бўлибди учрашмаганимизга, қадамингизга ҳасанот.

Меҳмон афсус чеккандай бўлиб, уф тортганча Камол акага кўз тикиб деди:

– Вақт кўз очиб юмгунча ўтиб кетар экан, умрининг ўтганини ҳам сезмай қоласан киши, аттанг.

– Бухоройи Шарифдан кўчиб кетганингизга анча йиллар бўлди-ёв...

– Ҳа, ўттиз йилдан ошди, Камол Хайруллаевич.

– Аҳли куй дегандай шахрингиз Бухорони соғиниб келибсизда, биродари азиз.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/5643> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5643> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5643>